

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УТЕМУРАТОВ РУСТАМ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic  
sciences**

**УТЕМУРАТОВ РУСТАМ БАЗАРБАЕВИЧ**

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари тизимини такомиллаштириш.....3

**УТЕМУРАТОВ РУСТАМ БАЗАРБАЕВИЧ**

Совершенствование системы информационных технологий для повышения эффективности инвестиционных проектов.....27

**UTEMURATOV RUSTAM BAZARBAEVICH**

Improving the information technology system to increase the efficiency of investment projects.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PHD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УТЕМУРАТОВ РУСТАМ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА**  
**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1347** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «Ziyou» ахборот-таълим порталида ([www.ziyou.net](http://www.ziyou.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Байхонов Баходиржон Турсунбаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Кучкаров Тахир Сафарович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ражапова Мадина Фаридуновна**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «27» ноябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс(99862) 224-57-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишшиш мумкин (9-273 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «9» ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил «9» ноябрь даги 18 рақамли реестр баённомаси).



**И.С.Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Ш.Б.Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш комиссияси илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг самарадорлигининг юқори даражаси мавжуд шароитларнинг барқарорлиги, рақобатнинг кучайиши илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш тезлиги ва бошқарувнинг ривожланиши билан тавсифланади. Бу борада айниқса, иқтисодиётга ахборот тизимлари ва технологияларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этиб, Gartner таҳлилий компаниясининг маълумотларига қараганда 2020 йилда бутун дунё бўйича ахборот-коммуникация технологиялари харажатлари ҳажми 3,69 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган<sup>1</sup>. International Data Corporation таҳлилий компанияси мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйлаб ахборот-коммуникация технологиялари нархи ҳар йили 3,8 фоизга ўсади ва 2023 йилга бориб 4,8 трлн. долларни ташкил этади<sup>2</sup>. Ҳозирги глобаллашув шароитида тез ривожланиб бораётган юксак технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари ва тизимлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида инсон фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилиб, айнан инвестицион лойиҳалар самарадорлигини тўғри баҳолашда ҳам унинг имкониятларидан фойдаланишни талаб этади.

Жаҳон иқтисодиётида ахборот тизимларини уч турдаги: транзакцион ишлов бериш тизимлари (TPS- Transactional Processing Systems), бошқарув ахборот тизимлари (MIS- Management Information Systems) ва эксперт тизимлари бўйича классификациялаш мумкин. Бошқарув ахборот тизимларининг қарорларни қўллаб - қувватлашдаги роли, қарорларни қўллаб - қувватлаш тизими (DSS- Decision Support System) деб номланган тўпلام доирасида муҳокама қилинади. DSS - бу бизнесга доир маълумотларни таҳлил қилишга қодир бўлган компьютер дастурларига асосланган тизим бўлиб, фойдаланувчига самарали бизнес қарорларини қабул қилиш имконини беради. Аммо, ахборот технологиялари инқилоби янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда: бу иқтисодий ва технологик ўзгаришларни тезлаштириш билан бирга билимлар иқтисодиётига бўлган тенгсизликни оширади. Бу эса иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ахборот технологияларига асосланган билим қобилиятини ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг келгуси тараққиёти учун «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>3</sup>да инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига ҳорижий сармояларни фаол жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга

<sup>1</sup> Манба: [https://www.tadviser.ru/index.php/80.94\\_Gartner](https://www.tadviser.ru/index.php/80.94_Gartner)

<sup>2</sup> Манба: [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_en.pdf)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>.

оширишга қаратилган фоал инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодиёт тармоқларида инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш, инвестиция самарадорлиги, риск даражаларини аниқлашда ахборот технологиялари ва тизимлари имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сонли Фармонлари, 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сонли, 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4699-сонли, 2020 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4937-сонли Қарорлари, 2019 йил 22 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 616-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари тизимини баҳолашнинг назарий-услубий асослари бўйича хорижий олимлардан Дж.Дж.Бакли, Ю.К.Чуй, ва С.П.Чан, Д.Кухта, К. Кахраман, Д.Руан, Э. Толга, Р.П.Моханти, Р.Агарвал, Л.Димова, П.Севастьянова, К. Элисон, МакКоуэн, П.Самуэльсон, Г.Александр, Дж.Бейли, Лоренс Дж.Гитман, Майкл Д.Джонк, К.Р.Макконнел ва С.Л.Брю, Х.Уильям, Я.Тинберген<sup>4</sup>лар тадқиқотлар олиб боришган.

МДҲ давлатларида инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш асослари Е.В.Михайлова, Н.Д.Гуськова, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Слушкина,

---

<sup>4</sup> Buckley, J.J. (1987) The fuzzy mathematics of finance, fuzzy sets and systems, 21, pp. 257-273; Chui, Y.C. and Chan, S.P. (1994) Fuzzy cash flow analysis using present worth criterion, Engineering economist, 39, pp. 113-138; Kuchta, D. (2000) Fuzzy capital budgeting. fuzzy sets and systems, 111, pp. 367-385; Mohanty, R. P., Agarwal, R., Choudhury, A. K. and Tiwari, M. K. (1994) A fuzzy and-based approach to r&d project selection: a case study, int. j. Production research, 43, pp. 5199-5216; Dimova I., Sevastianova P., Sevastianov D. (2006) Modern in a fuzzy setting: investment projects assessment application. Int. j. production economics, 100, pp. 10-29; Mohamed S., McCowan, A.K. (2001) Modelling project investment decisions under uncertainty using possibility theory. Int. j. Project management, 19, pp. 231-241; Samuelson Paul A. Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers. Scientia, 1997; Шарп У., Александр Г., Бейли Дж., Инвестиции: Пер.сангл. – М.: Инфра-М, 2010. - 1028 с; Лоренс Дж.Гитман, Майкл Д.Джонк. Основы инвестирования. М.:«Дело», 2007, с-10; Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 2-том. М.:Республика, 2002, с-338; William H. Greene Econometric Analysis. 7th Edition. New York University, Prentice Hall, 2012.1241 p.; Tinbergen J. An Analysis of World Trade Flows. New York.-1962.-P.1002;

В.И.Маколев, О.С.Сухарев, С.В.Шманев, А.М.Курьянов ҳамда В.В.Мищенко, В.З.Черняк, М.В.Кангро<sup>5</sup> ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган. Айниқса, алоҳида олинган тармоқларда инвестиция оқимини бошқаришнинг назарий жиҳатлари, шу жумладан, саноатни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш муаммолари бўйича олиб борилган ишлар эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестициядан самарали фойдаланиш усуллари ва уларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларни моделлаштириш йўналишлари С.С.Ғуломов, Б.А.Бегалов, Б.Ю.Ходиев, Т.Шодиев, Б.Б.Беркинов, А.Н.Кравченко, Ё.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Б.Т.Салимов, Н.М.Маҳмудов, Д.М.Расулев, Т.С.Кучкаров, Т.Дўсчанов, Б.Рузметов, И.С.Абдуллаев, Б.Т.Байхонов<sup>6</sup> ва бошқа олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Ушбу олимлар томонидан таклиф этилган моделларда инвестицияларнинг риск чегаралари, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини аниқлаш алгоритмлари ва ахборот технологиялари ҳамда тизимларидан фойдаланиш имкониятлари тўлалигича ҳисобга олинмаган. Аммо, эконометрик ва иқтисодий-математик моделлар тизими, алгоритми юқорида келтирилган ҳолатлар билан бирга, миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболдаги ривожланиш йўналишларини, корхоналарни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда, назарий-услубий жиҳатдан ўрганиш, унинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим масала бўлиб, бу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

---

<sup>5</sup> Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование СПб.: СПУЭиФ, 2001, с-357; Гуськова Н.Д., Кравовская И.Н., Слушкина Ю.Ю., Маколев В.И. Инвестиционный менеджмент. М.: Дашко и К, 2006. – 351 с; Сухарев О.С., Шманев С.В, Курьянов А.М. Экономическая оценка инвестиций М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с; Мищенко В.В. Инвестиционный менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 416 с.; Черняк В.З. Управление инвестиционными проектами: - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. - 351 с.; Кангро М. В. Методы оценки инвестиционных проектов – Ульяновск: УлГТУ, 2011. – 131 с.;

<sup>6</sup> Ғуломов С.С., Шермухамедов А.Т.,Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон,1999.-320 б.; Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. / Под ред.акад. С.С. Гулямова. - Т.: Фан ва технология, 2007; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис.док.экон.наук.-Т.:ТГЭУ, 1988.-380с; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н. Бизнес кийматини баҳолаш. Ўқув қўлланма./ И.ф.д., проф Б.Ю.Ходиев таҳрири остида.- Тошкент: Фан, 2006. -228 б; Ё.Абдуллаев. “Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар” икт. фан. док. дис. – М.: МЭСИ, 1987 й; Р.Х.Алимов ва бошқ. Корхонларда инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш. Ўқув қўлланма.-Т.: «Fan va texnologiya», 2014; 104 бет. Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона.-Т.: Ўқитувчи, 1995. -154 с; Н.Маҳмудов. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012 й; Расулев Д.М. Введение в динамику общего экономического равновесия. Учебное пособие.-Ташкент, изд. ТГЭУ, 2006. –С-88; Кучкаров Т.С. Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикаси ғазначилиги ахборот тизимини такомиллаштириш. икт.фан.док.дисс. –Т.: ТМИ. 2019. -249 б.; Досчанов Т.Д., Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в докт. экон. наук. Т.: 1990.-405 с.; Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф.дисс., ... док. эк. наук.-Т.:1998.-39с., 298б. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. икт. фан. док. автореф.-Т.: ТДИУ.2017.-66 б.; Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш: Иқтисод фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2019. 14 б.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323 «Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан фойдаланиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инвестиция лойиҳалари самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари тизимини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаш йўналишлари ҳамда алгоритминини аниқлаш, унинг зарурияти ва иқтисодиёт соҳасига хос хусусиятларининг илмий жиҳатдан асослаш;

инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда эътиборга олинган асосий тамойилларининг аниқлаш;

иқтисодиёт тармоқларига ахборот технологияларни қўллашда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб чиқиш ва шу асосида самарали қарорлар қабул қилиш;

миллий иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини статистик ва динамик усуллар ёрдамида баҳолаш;

инвестиция фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг эконометрик таҳлилининг амалга ошириш;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда дисконтлаш ставкасининг аниқлаш ва таҳлиллар асосида таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

мамлакатлар ўртасидаги гравитацион моделлар қонуниятларининг таҳлил қилиш асосида инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш омиллари таъсирининг аниқлаш;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усулларининг иқтисодий рискларни таҳлил қилиш асосида алгоритми ва дастурий таъминотининг ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари асосида истиқболли лойиҳаларни шакллантиришга оид илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти олинган.

**Тадқиқот предмети** инвестицион лойиҳалар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш алгоритмининг такомиллаштириш ҳамда дастурий таъминотидан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, иқтисодий, қиёсий, таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, гуруҳлаш, статистик ҳамда кўп



омилли эконометрик таҳлил услублари, иқтисодий-математик моделлаштириш, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда ақилли “smart” тизими ишлаб чиқилиб инвестиция самарадорлиги ҳолатини тавсифловчи асосий иқтисодий, ижтимоий ва экологик кўрсаткичларни баҳолашнинг электрон тизимидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таркибий ўзгаришлари асосида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини оширишнинг “ўсиш нуқта”лари аниқланиб инвестициялардан самарали фойдаланишни оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини дисконтланган даромад, рентабеллик индекси ва модификацияланган ички рентабеллик индекси кўрсаткичлари асосида баҳолаш ва мақбул қарорлар қабул қилиш усули такомиллаштирилган;

Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари самарадорлигининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инвестиция фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда ахборот технологиялари ва тизимлари имкониятларидан фойдаланиш таклиф этилган;

инвестиция фаолиятига ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни баҳолаш усуллари корреляцион-регрессион таҳлиллар асосида эконометрик моделлар ёрдамида такомиллаштирилган;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш алгоритми иқтисодий рискларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб, дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни амалга оширишнинг истиқболдаги прогноз қийматлари таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги тадқиқот ишига доир ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, хорижий ҳамда маҳаллий олимлар олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотларга асосланганлиги, фойдаланилган ахборотлар базаси расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф, тавсиялар ҳамда тегишли хулосаларни ҳудудларда мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари инвестициялар самарадорлигини баҳолашда, ундан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва хулосалардан истиқболда инвестиция

фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш, шунингдек, иқтисодий таълим йўналишлари талабаларига «Электрон бизнес тизимлари», «Рақамли иқтисодиёт», «Иқтисодиётда ахборот тизими ва технологиялари», «Ҳорижий инвестициялар» каби фанларни ўқитиш, ўқув услубий мажмуа ва кейс-стадилар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда ақилли “smart” тизими ишлаб чиқилиб инвестиция самарадорлиги ҳолатини тавсифловчи асосий иқтисодий, ижтимоий ва экологик кўрсаткичларни баҳолашнинг электрон тизимдан фойдаланиш механизми бўйича таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва унинг таркибидаги тармоқлар амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 13 сентябрдаги ВЖ-22/01-2550-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида Республикадаги инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини 11,3 фоизга оширишга эришилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таркибий ўзгаришлари асосида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини оширишнинг “ўсиш нуқта”лари аниқланиб инвестициялардан самарали фойдаланишни оптималлаштириш модели бўйича берилган таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва унинг таркибидаги тармоқлар амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 13 сентябрдаги ВЖ-22/01-2550-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан амалиётда фойдаланилиши инвестицион лойиҳалар амалга оширилишининг барқарор ривожланишини таъминлаб, Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион лойиҳаларнинг сонини 12,1 фоиз ошириш имконини берган.

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини дисконтланган даромад, рентабеллик индекси ва модификацияланган ички рентабеллик индекси кўрсаткичлари асосида баҳолаш ва мақбул қарорлар қабул қилиш усули бўйича таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва унинг таркибидаги тармоқлар амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 13 сентябрдаги ВЖ-22/01-2550-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот олиб борилган Қорақалпоғистон Республикаси корхоналарида инвестициялар самарадорлиги ҳисобидан йиллик даромадлари 20,5 фоиз ортишига эришилган.

Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари самарадорлигининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари бўйича таклиф ва тавсиялари Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва унинг таркибидаги тармоқлар амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва

ташки савдо вазирлигининг 2021 йил 13 сентябрдаги ВЖ-22/01-2550-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан Республика инвестицион лойиҳаларини жозибадорлигини ошириш ва инвестицион лойиҳалар дастурини такомиллаштиришда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (1 та хорижий журналларда ва 5 та маҳаллий журналларда) илмий мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 10 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ҳамда предмети аниқ белгиланган, илмий тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари кенг баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, уларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ахборот технологиялари тизимларининг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимларини қўллашнинг назарий жиҳатлари, инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини баҳолашнинг асосий тамойиллари ҳамда ахборот технологияларини жорий этишда иқтисодий самарадорликни баҳолаш усуллари баён этилган.

Жаҳон иқтисодиёти фан-техника ривожланиши асосида таракқий этиб борар экан, жамиятни рақамлаштириш шароитида ахборот таъминотига бўлган муҳтожлик юзага келади. Ушбу ахборотлар асосида ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш, ўз навбатида, мазкур маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ахборот технологиялари тизими томонидан бажариладиган тўртта алоҳида функцияни ажратиб кўрсатиш мумкин:


биринчидан, қайта ишлаш функциясида, деярли ҳаммаси замонавий ахборот технологиялари тизимларида интеграл микросхемалар орқали амалга ошириладиган рақамли ҳисоб-китоблар, мантикий операциялар, саралаш ва шунга ўхшаш функциялар;

иккинчидан, хотира функцияси, одатда, интеграл микросхемалар хотирасида ёки магнит қурилмаларда матн, маълумотлар, расм ёки бошқа маълумотларни сақлаш;

учинчидан, узатишда, шахсий телекоммуникация тармоғидан ёки телекоммуникация тармоқлари операторлари хизматларидан фойдаланган ҳолда, масофадаги жойлар орасидаги маълумотларнинг узатилиши;

тўртинчидан, кириш ва чиқишда, ахборот технологиялари тизими ва ундан фойдаланувчи шахслар ёки машиналар ўртасидаги интерфейсни таъминлайди. Компьютерлар, амалий таъминот процессорлари ва офисларни автоматлаштириш тизимлари тижорат маълумотларини қайта ишлаш воситалари каби функцияларнинг ҳар бирини бажарадиган кичик тизимларни ўз ичига олади. Сўнгги икки-уч ўн йилликда ушбу функцияларнинг ҳар бирини бажариш учун сарфланадиган харажатлар ҳажмининг ўзгаришининг ўзи, бу соҳа истиқболидан дарак беради.

Ҳозирги вақтда жамият учун мумкин бўлган маълумотларнинг барча массивларидан фойдаланиш учун мўлжалланган очиқ ахборот тизимларидан фойдаланиш ижтимоий тузилмани бошқариш механизмларини такомиллаштиришга имкон беради ва жамиятда ижтимоий муҳитнинг яхшиланишига ҳисса қўшади. Ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш билан боғлиқ жараёнлар, нафақат илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, балки, интеллектуаллаштириш асосида инсониятнинг жисмоний ҳамда ақлий фаолиятини енгиллаштириш ва иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлайдиган сифат жиҳатидан янги ахборот муҳитини яратишга ёрдам беради. Ахборотни қайта ишлаш тизимининг асосий вазифаси маълумотларни қайта ишлашнинг одатий операцияларини амалга оширишдан иборат бўлиб, бизнингча, унинг алгоритминини қуйидагича ифода этиш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Маълумотларни қайта ишлаш алгоритми<sup>7</sup>


<sup>7</sup> Манба: муаллиф ишланмаси

Барқарорлик ва атроф-муҳитга эътибор қаратадиган истеъмолчилар, ҳукумат ҳамда ташкилотлар учун устувор йўналишлар рўйхатида, ахборот ва коммуникация технологиялари икки томонлама ёндашувни келтириб чиқаради. Бир томондан, ахборот-коммуникация технологиялари глобал иссиқхона газлари чиқиндиларининг 2% дан 2,5% гача бўлган қисмини ташкил этади деб тахмин қилинаётган бўлса-да, ушбу технологиялар чиқиндиларни камайтиришда ҳам муҳим роль ўйнайди<sup>8</sup>. Қоғоздаги ҳужжатларга бўлган ишончни камайтиришдан ташқари, ахборот-коммуникация технологиялари иқлим ўзгаришини кузатишда, унинг таъсирини юмшатишда ва унга мослашишда, шунингдек, яшил иқтисодиётга ўтишда имкониятларни енгиллаштиради.

Фойдаланилган маълумотларнинг холислиги, ишончлилиги, соддалиги, тўғрилиги инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилишда аниқ натижаларни олишнинг асосий шартидир. Таҳлилга бўлган талаб, ташқи иқтисодий муҳитнинг ўзгариши ва ҳудуднинг ривожланиши замонавий шароитларга мос келадиган функционал имкониятларга эга янги дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни талаб қилиши билан изоҳланади.

Инвестицион лойиҳанинг самарадорлиги сифатида лойиҳа иштирокчиларининг мақсадларини манфаатларига мувофиқлигини акс эттирувчи натижалар тушунилади. Шу маънода, лойиҳанинг ҳар бир иштирокчиси унинг натижадорлиги ва лойиҳанинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш орқали инвестиция лойиҳасининг самарадорлиги баҳоланади. Умумий самарадорлик лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги билан лойиҳанинг тижорат самарадорлигини ўз ичига олади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашни амалга ошириш жараёнида бир қатор шартларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда умумий тамойилларга асосланади ва ушбу тамойилларни уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга гуруҳга ажратиш мумкин (2-расм).




**2-расм. Лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш тамойиллари<sup>9</sup>**

<sup>8</sup> ICTs and Climate Change. // [http://www.itu.int/themes/climate/docs/report/02\\_ICTandClimateChange.html](http://www.itu.int/themes/climate/docs/report/02_ICTandClimateChange.html).

<sup>9</sup> Черняк В.З. Управление инвестиционными проектами - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. - 351 с.

Шуни таъкидлаш жоизки, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда юқорида келтирилган тамойиллардан ташқари маълум қоидаларга ҳам амал қилиш лозим. Бу борада муайян бир вазиятларни инобатга олган ҳолда амалий тажрибаларни қўллаш орқали лойиҳанинг алоҳида хусусиятлари эътиборга олинади. Келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш тамойилларини, уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда методологик, методик ва операцион бўлимларга ажратиш мумкин (3-расм).



**3-расм. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш тамойилларининг таснифланиши<sup>10</sup>**

Кўпчилик ҳолларда лойиҳаларни баҳолашда лойиҳани қабул қилишдаги ва уни рад этишдаги натижалар ўрганилади. Агар лойиҳа қабул қилинса, харажатлар ва натижаларнинг қийматлари аниқланади. Худди шундай, лойиҳа амалга оширилмаган ҳолатдаги харажатлар ва натижалар қийматлари ҳам кўриб чиқилади. Аниқланган қийматларни таққослаш орқали тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда лойиҳанинг амалга оширилиши босқичида таҳлилнинг мақсади операцион масалалар билан боғлиқ бўлиб, таҳлил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олишга имкон беради. Лойиҳани тугатгандан сўнг, лойиҳа натижалари тўғрисида умумлашган маълумот олиш, натижаларни мақсадлар билан таққослаш ва келажакда инвестиция қарорлари учун қимматли маълумотларни олиш зарурати туғилади. Бу вазифаларни амалга оширишда

<sup>10</sup> Виленский П.Л., Липшиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика – М.: Дело, 2002 адабиётда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда муаллиф ишланмаси

бугунги кунда деярли барча соҳаларнинг иш фаолиятининг асосини ташкил қилувчи маълумотлар базасини ташкил этиш ва таҳлил учун унинг имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, ахборот технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш тизими (SEEIP-A system for evaluating the effectiveness of investment projects) ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ишлаш жараёни масофадан амалга оширилади (4-расм).



**4-расм. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг баҳолашнинг ақилли “smart” тизимдан фойдаланиш механизми<sup>11</sup>**

Кўриниб турибдики, тизим дастурий таъминоти ишлаб чиқилиб серверга жойлаштирилган (ООО «SUVAN NET», ahost.uz) ва фойдаланувчиларга тизимдан масофадан туриб фойдаланишлари учун қулайлик яратиш мақсадида ўз доменига эга (<https://seeip.uz/>). Демак, фойдаланувчилар масофадан туриб, интернет тармоғига уланган мобиль қурилмаси орқали ушбу манзилга мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Бу ерда ҳар бир фойдаланувчининг шахсий кабинети мавжуд бўлиб, унда фойдаланувчи томонидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш натижалари сақланади. Ушбу маълумотлар фойдаланувчиларнинг тўғри қарор қабул қилишлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Маълумотларни етарлича ишончли сақлаш учун маълумотлар базаси яратилган бўлиб, фойдаланувчилар маълумотларини қайта ишлашда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмайди. Тизим интерфейси ва дастур функциялари жуда содда шаклда амалга оширилган бўлиб, бу ўз навбатида фойдаланувчиларнинг осон ва енгил ишлаши учун қўлайликлар яратади. Шунингдек, баҳолаш тизими маълумотларини булутли технологиялар (Cloud technologies) билан боғлаган ҳолда ҳам ишлатиш мумкин бўлади.

Ушбу муаллиф томонидан ишлаб чиқилган механизмнинг афзаллиги инвестицион лойиҳаларга қизиқадиган ҳар қандай сармоядорга лойиҳа

<sup>11</sup> Манба: муаллиф ишланмаси

тўғрисида маълумот бериш билан бир вақтнинг ўзида инвестиция лойиҳалари самарадорлигини дисконтланган даромад, рентабеллик индекси ва модификацияланган ички рентабеллик индекси кўрсаткичлари асосида баҳолаш ҳамда мақбул қарорлар қабул қилиш ва маҳсулот стандартларининг экологик жиҳатларини баҳолашнинг атроф-муҳит сиёсатига мувофиқ, атроф-муҳит самарадорлигини ошириш, мувофиқлик мажбуриятларини бажариш ва экологик мақсадларга эришиш имкониятини ҳам беради.

«Қорақалпоғистон Республикасида амалдаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасининг амалдаги инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг статистик ва динамик усуллари таҳлили, инвестицияга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва инвестицион лойиҳаларни баҳолашнинг эконометрик таҳлили ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг гравитацион таҳлили амалга оширилган бўлиб, уларнинг натижалари бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

Бугунги кунда ҳудудларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш учун бу борада етарлича таҳлиллар ўтказишни талаб қилади. Инвестиция лойиҳаларини турли моделлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Сўнгги пайтларда иқтисодиётда эконометрик моделлар ёрдамида қонуниятларнинг миқдорий ифодасидан иборат эконометрик моделлаштириш услубига қизиқиш ортмоқда<sup>12</sup>. Бу усуллар орқали инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва уларнинг бутун ҳаёт цикли давомида таъсир этувчи омиллари таҳлилинини амалга ошириш мумкин. Шунингдек, ушбу усулни инвестицияларнинг лойиҳалаш жараёнида қўллаш орқали прогнозлашнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иқтисодий нуқтаи назардан, даромад, фойда, самарадорлик манбаи фойдаланиш учун зарур бўлган баъзи ресурслар ҳисобланади. Ҳар қандай самарадорлик омили фақат фойдали натижани олиш учун шароит яратади. Ресурслар захираси мавжуд бўлганда ёки шакллантирилганда реал даромад олиш мумкин бўлади. Шундай экан, тадқиқот давомида инвестиция фаолиятини амалга оширишда таъсир этувчи асосий омиллар билан бир қаторда, айнан, маълум бир инвестиция лойиҳаларининг маълум бир ҳудудларда амалга оширилиш самарадорлиги таҳлилинини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таркибий ўзгаришилари асосида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини оширишнинг “ўсиш нуқта”ларини ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг аҳоли бандлиги ва саводхонлиги ҳамда аҳоли турмуш даражаси бўйича сценарийли эконометрик таҳлилларини ўрганиш мақсад қилиб олинган.

Бунинг учун аҳоли бандлиги ва саводхонлиги бўйича биринчи сценарий асосида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми – ҲНМ

---

<sup>12</sup> William H. Greene Econometric Analysis. 7th Edition. New York University, Prentice Hall, 2012.1241 p.



ўзгаришига таъсир этувчи инвестиция лойиҳаларига киритилган инвестициялар ҳажми –  $ILI$ , Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг иқтисодиётдаги бандлиги –  $AIB$  ва аҳоли саводхонлик даражаси -  $ASD$  омиллари танлаб олинган. 2-сценарий бўйича аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот –  $Y$  нинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи инвестиция лойиҳаларига киритилган инвестициялар ҳажми–  $ILI$ , аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари –  $AJRD$  ва Қорақалпоғистон Республикасида илмий техник ишланмаларнинг жорий қилинганлиги –  $ITIJ$  омиллари танлаб олинган ва охириги 3-сценарий бўйича Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётига инвестициянинг таъсирини ўрганиш учун ялпи ҳудудий маҳсулот - $YaHM$  ўзгаришига таъсир этувчи инвестиция лойиҳаларига киритилган инвестициялар –  $ILI$ , ҳудуд аҳолиси бандлиги - $HAB$  ва ушбу ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони –  $KS$  танлаб олинган. Тадқиқот натижаларига кўра, моделларнинг адекватлиги ва ишончлилигини аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўзгаришининг кўп омилли, сценарийли моделлари таснифи<sup>13</sup>**

№	Сценарийлар	Модель ифодаси	Мезонлар билан текшириш натижалари				
			$R^2$	$t_{\text{жад}}=2,31$	$MAPE<10,$ $TIC<1$	$F=8.85$	$DW$
1	1-сценарий	$YHM = \frac{ILI^{0,13} * AIB^{1,86} * ASD^{15,3}}{e^{111,6008}}$ (1)	0,993	$t_{ILI}=0,23;$ $t_{AIB}=1,88.$	$MAPE=0,533;$ $TIC=0,0034$	526,3	2,12
2	2-сценарий	$Y = \frac{AJRD^{0,7942} * ITIJ^{0,2781} * e^{0,6389}}{ILI^{0,0013}}$ (2)	0,974	$t_{ILI}=-0,01$ $t_{ITIJ}=1,6$	$MAPE=1,05;$ $TIC=0,0064$	138,5	1,81
3	3-сценарий	$YaHM = \frac{ILI^{0,291} * HAB^{3,105} * KS^{2,502}}{e^{29,734}}$ (3)	0,951	$t_{HAB}=1,2$	$MAPE=1,36;$ $TIC=0,009$	72,8	2,1

(1)-регрессия тенгламасига кўра, агар ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодига 1 млрд. сўм инвестиция киритилса, унинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 0,46 млрд. сўмга ошади. Агар иқтисодиётдаги бандлик 1 фоизга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 0,83 фоизга ва ҳудудда аҳоли саводхонлигини минг нафарга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2,18 млрд. сўмга ошиши аниқланди.

Олинган (2)-регрессия тенгламасига кўра, 1 млрд. сўм инвестиция киритилса, Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўшимча 0,0021 млн. сўмга ошиши кутилади. Ушбу ҳолатда ҳозирги кунда танланган омиллар бўйича олинган натижаларга асосан киритилган инвестиция тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эга бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Агар аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари минг сўмга оширилса, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўшимча 1,1 минг сўмга ва ҳудудда илмий техник ишланмаларнинг жорий қилинишини бир бирликка ошириш 1,2 минг сўмга ошириши мумкин эканлигини билдиради. Танлаб олинган омиллардан иқтисодиётда аҳоли жон бошига реал умумий

<sup>13</sup> Манба: муаллиф ишланмаси


даромадлари ва илмий техник ишланмаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу 2-сценарийда умумий хулоса шундан иборатки, ҳудудда илмий-техник ишланмаларни амалиётга жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаш мумкин.

Олинган (3)-регрессия тенгламасига кўра, агар ҳозирги кунда республика иқтисодиётига 1 млрд. сўм инвестиция жалб қилинса, Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўшимча 1 млрд. сўмга кўшимча ошади, агар ҳудудда аҳоли бандлиги 1 фоизга оширилса, 1,3 млрд. сўмга ва корхоналар сонини бир бирликка ошиши, 3,4 млрд сўмгача кўшимча ошишини кўрсатади. Хулоса қилиб айтганда, олинган натижаларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ўсишини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланишни оптимал модели (3)-регрессия тенгламаси бўлиб, бугунги кунда соғлом рақобатбардош корхоналарнинг сонини кўпайтириш долзарб ҳисобланади ва бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинади. Республикамиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти барқарорлиги инвестиция сиёсати билан боғлиқ бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий фарқланишлар ҳамда номувофиқликларни камайтиришда ўзига хос ўринга эга. Бу эса ўз навбатида, ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш асосида ҳудудларда мавжуд барча ресурслардан фойдаланишни самарали амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан такомиллаштиришга замин яратади.

Диссертациянинг «Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган дастурий таъминотини такомиллаштириш истиқболлари» номли учинчи бобда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш, ишлаб чиқилган дастурий таъминотининг қўлланилиши ҳамда истиқболлари баён этилган. Тадқиқот ишида таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш тизимининг алгоритмига таъриф берсак, биринчи қадамда тизим ҳақида умумий маълумот ва кириш амалга оширилади, яъни, бу ерда фойдаланувчилар тизим ҳақида умумий маълумотга эга бўлади (5-расмга қаранг).

5-расмда келтирилган кейинги қадамда фойдаланувчи тизимда рўйхатдан ўтади ва ўз шахсий кабинетини очади. Агар фойдаланувчи аввал рўйхатдан ўтган бўлса, у ҳолда киришни амалга оширади. Алгоритмнинг кейинги қадамида инвестиция лойиҳасининг бошланган йили кўрсатилади ва кейинги йилларни тизимнинг ўзи автоматик равишда ҳисобга олган ҳолда давом эттиради.

Кейинги қадамда фойдаланувчи томонидан кирувчи ва чиқувчи пул оқимлари қийматлари киритилади. Бунда кирувчи ва чиқувчи пул оқимлари қийматларини ҳисоблаш корхоналар маълумотларига асосланган ҳолда фойдаланувчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Корхона пул оқими қийматларини ҳисоблашда фойдаланувчи алоҳида мавжуд ҳисоблаш алгоритмларидан фойдаланиши ёки корхонанинг мавжуд ҳисоботлар шаклидан фойдаланиши мумкин.



**5-расм. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш тизими алгоритми<sup>14</sup>**

Ишлаб чиқилган алгоритмда пул оқимларини киритишда фойдаланувчи томонидан камида уч йиллик маълумотлар бўлиши шarti белгиланган, чунки уч йилдан кам вақтдаги лойиҳалар катта ҳисоблашларни талаб қилмаслиги мумкин. Фойдаланувчи томонидан камида уч йил учун пул оқимлари қийматлари киритилгандан кейин навбатдаги босқичга ўтилади. Лойиҳанинг амалга оширилиши вақтининг қабул қиладиган максимал қиймати 15 йил этиб белгиланган, чунки, одатда кўпчилик вақтларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 10 йилгача муддат олинади.

Алгоритмнинг навбатдаги қадамида дисконтлаш ставкасини киритиш амалга оширилади, дисконтлаш ставкаси миқдори фойдаланувчи томонидан белгиланади ва бунинг учун тизим ишлаши жараёнида қўшимча маълумотлар билан таъминланади. Келгусида дисконтлаш ставкасини алоҳида ҳисоблаш алгоритми ёрдамида аниқлаб олиш имконини яратиш инobatга олинган.


<sup>14</sup> Манба: муаллиф ишланмаси

Тизим алгоритмининг натижани олиш босқичида инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг динамик усуллари асосида ҳисоблашлар амалга оширилади ва бунда киритилган бошланғич маълумотларга кўра соф дисконтланган даромад (NPV), дисконтланган рентабеллик индекси (DPI) ва модификацияланган ички рентабеллик индекси (MIRR) кўрсаткичлари ҳисобланади. Ҳисобланган кўрсаткичларнинг қийматлари маълум шартларга кўра текширилади ва навбатдаги қадамларга ўтиш йўналишини белгилаб беради.

Жумладан, соф дисконтланган даромад кўрсаткичининг қиймати  $NPV > 0$  бўлган, дисконтланган рентабеллик индекси кўрсаткичининг қиймати  $DPI > 1$  бўлган ва модификацияланган ички рентабеллик индекси  $MIRR > d$  шарт бажарилгандаги қийматларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қабул қилиш тавсия қилинади ва бошқа инвестиция лойиҳалари билан таққослашни амалга ошириш учун альтернатив лойиҳалар устида ҳисоблашларни олиб бориш мақсадида тегишли қадамларга ўтиш бажарилади.

Юқорида келтирилган инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш тизими бўйича ишлаб чиқилган алгоритмнинг асосий афзаллиги шундаки, унда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишда осон ва қулай муҳитда барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлган тизим шакллантирилган. Шунингдек, тизимда қўшимча равишда соф дисконтланган даромад кўрсаткичининг мумкин бўлган дисконтлаш ставкаси чегаралари ва харажатларнинг қайтарилиш вақти йиллар кесимида график кўринишда келтирилади. Бу ўз навбатида, фойдаланувчилар учун инвестиция лойиҳалари ҳақида янада тушунарли ва аниқ маълумотлар олиш имконини беради.

